

## ЎЗБЕК ПЕДАГОГИ ОҚИЛ ШАРОФИДДИНОВНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ФАОЛИЯТИ

**Баҳром Джамолович Джалолов**

Наманган давлат чет тиллари институти ўқитувчиси

**Гуласал Отамуродова**

ХТА-ЖУ-25 гуруҳи талабаси

**Аннотация:** ушбу мақолада совет мустамлакачилиги шароитида Ўзбекистонда таълим тизимининг аҳволи, мактабларни кадрлар билан таъминлаш масалалари ва маҳаллий ўқитувчиларни қийинчилик шароитида кўрсатган фидокорона хизматлари моҳир педагог Оқил Шарофиддинов ҳаёти ва фаолияти мисолида кўрсатиб берилган. Оқил Шарофиддиновнинг педагогика соҳасида қўлга киритган ютуқлари ва уни оммалаштиришдаги тажрибаси ва унинг қолдирган таълимдаги мероси таҳлил қилиб берилган.

**Калит-сўзлар:** мактаблар, маориф, педагогика, бошланғич синфлар, алифбе, меҳнат таълими, методик қўлланма, касаба уюшмаси, орден, медал, аналитик-синтетик товуш усули.

**Аннотация:** В статье на примере жизни и деятельности талантливого учителя Акиля Шарофиддинова рассматриваются состояние системы образования в Узбекистане в период советского колониального правления, вопросы кадрового обеспечения школ, а также самоотверженное служение местных учителей в трудных условиях. Анализируются достижения Акиля Шарофиддинова в области педагогики, его опыт популяризации и наследие в образовании.

**Ключевые слова:** школы, образование, педагогика, начальные классы, азбука, трудовое воспитание, методическое руководство, профсоюз, орден, медаль, аналитико-синтетический звуковой метод.

**Abstract:** This article examines the state of the education system in Uzbekistan under Soviet colonial rule, the issues of staffing schools, and the selfless service rendered by local teachers in difficult circumstances using the example of the life and work of the skilled teacher Akil Sharofiddinov. The achievements of Aqil Sharofiddinov in the field of pedagogy and his experience in popularization and his legacy in education are analyzed.

**Key words:** schools, education, pedagogy, primary classes, alphabet, labor education, methodical guide, trade union, order, medal, analytical-synthetic sound method.

Маълумки, совет ҳукумати 1945-1946 йилларга келиб таълим соҳасида кўплаб муаммоларни ўрганиш ва уларнинг маҳаллий шароитдан келиб чиққвн ҳолда кечиктирмасдан ҳал этишни кун тартибига қўйди. Совет мустамлакачилиги шароитида республикада йилдан-йилга кўпайиб борган мактабларни совет мафқураси талабларига жавоб берадиган ўқитувчилар билан таъмин этиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Мактаблар ва ўқитувчилар сони таҳлил қилинганда, 1945-1946 ўқув йилида барча мактаб ўқитувчилари 33 999 нафарни ташкил этган бўлса, 1950-1951 ўқув йилида 48237 тага етган бўлса, мактаблар 1945-1946 ўқув йилида 4483 тага етган бўлса, 1950 йилда 5005 тага етди[1.:670].

Совет ҳукумати таълим тизимида ўқитувчилар сони ва сифатини ошириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишни илгари сурди. Жумладан 1945 йил 20 августда СССР Халқ Комиссарлари Совети “Ўқитувчилар тайёрлаш ишини яхшилаш тўғрисида” махсус қарорини қабул қилди ва қарор-да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистонда 1950 йилгача халқ таълими тизимида 12500 нафар ўқитувчи етказиб бериш белгиланди [2.:670]. Мавжуд қийинчилик ва муамоларга қарамасдан республикада кадрлар масаласи босқичма-босқич ҳал этилиб, ўқитувчилар орасида ўзининг кучли иқтидори, ўқувчиларни таълим-тарбиялашда ўзига хос тажрибага эга бўлган ва ўзининг педагогик мактабини яратган ўқитувчилар ҳам бор эди, улар ўз тажрибасини бутун республикада, қолаверса Бутуниттифоқ миқёсида ҳам ўзларини танитган эдилар.

Шундай педагоглардан бири, ўз даврининг таникли ўқитувчиси сифатида танилган шахс Оқилхон Шарафиддинов ҳисобланиб, ўз фаолияти давомида таълим тизимида катта тажрибага эга бўлган зиёли сифатида та-рихга муҳрланди. Оқилхон Шарофиддинов 1898 йил 7 мартда Тошкент шаҳ-рида таваллуд топиб, дастлабки саводини маҳаллий мактабда, кейинчалик Хожа Аҳроп мадрасида таҳсил олган. Айни куч-қувватга тўлган даврида 1917 йил давлат тўнтаришдан сўнг ҳокимиятни эгаллаган большевиклар тузуми манфаатларига бўйсундирилган совет таълими соҳасида ўз қобилиятини намоян этишга киришди. Оқилхон домла ўз даврида зўравонликка асосланган совет мафқурасидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек болаларини ўқитиш бўйича ўзининг миллий педагогик мактабини яратишга муваффақ бўлди. 1918 йилдаёқ Тошкент уезди маориф бўлими йўлланмаси билан Тўйтепа қишлоғида мактаб очиб, ўқитувчилик қила бошлади. 1921 йилдан Тошкентдаги 19 мактабда, 1924 йилдан токи нафақага чиққунигача қадар шаҳардаги 14 мактабда бошланғич синфларга дарс бериб келди[3.:623].

1938 йилда у бошланғич синф ўқувчилари учун “Алифбе” дарслигини яратди ва унда маълумотларни чуқур ўрганиб таҳлил қила оладиган, яъни аналитик-синтетик товуш усули асосида савод чиқаришда асосий дарсликка айланди. 1968 йилда ҳаммулликда янги “Алифбе” дарслигини яратди ва бу дарслик республикада таълим тизимида бошланғич синфлар 3 йилликка ўтиши муносабати билан мактабларда болаларни саводини чиқаришда муҳим аҳамият касб этди. Бу дарслик 1970 йилдан бошлаб мактабларда асосий қўлланма сифатида жойларда тадбиқ этилди. У ўз фаолияти давомида бошланғич таълим педагогикасида бир неча қўлланмалар, жумладан, 1929 йилда “Билим ва меҳнат”, 1930 йилда “Меҳнат болалари”, 1939 йилда “Катталар алифбеси”, 1941 йилда “Чиройли ёзув”, 1944 йилда “Ўқиш китоби” каби ўқув қўлланмаларининг муаллифи сифатида тилга олинган. 1938 ва 1959 йилларда педагог М.

Мирмаҳмудов билан биргаликда бошланғич мактабларда алифбени ўқитиш бўйича методик қўлланмалар яратди[4.:624].

Оқилхон Шарофиддинов қийинчиликларга қарамай, янада кўпроқ шижоат билан ишлаб, ярим аср давомида болаларни тарбиялаш, халқ маорифини ривожлантириш соҳасида кўплаб ишларни амалга оширди. У ўқитган кўплаб ўқувчилари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий соҳаларида хизмат қилишган, хусусан физика-математика фанлари номзоди Ғ. Умаров, иқтисод фанлари номзоди Ҳ. Собиров, техника фанлари номзоди Т. Абдул-лаев, тиббиёт фанлари номзоди Н. Мажидов, филология фанлари номзоди Озод Шарофиддинов, Ўзбекистон ССР молия министри В. Муродхўжаев, шоирлардан Туроб Тўла, Мирмуҳсин, ёзувчи М. Қориевлар каби таниқли инсонларни таълим-тарбия олишида катта хизмат қилган эди[5.:16].

Тажрибали муаллим О. Шарофиддинов жамоатчилик ишларида ҳам ўзининг фаол эканлигини кўрсатди. 1922-1960 йилларида мактаб касаба уюшмаси раиси, 1936-1948 йилларда туман кенгаши, 1948-1957 йилларда Тошкент вилояти халқ кенгаши депутати сифатида ҳам халқ хизматида ҳам ўз тажрибасини ўртоқлашди[6.:47].

Унинг хизматлари ўз даврида совет ҳукумати томонидан юқори баҳоланиб, хусусан, 1936 йилда “Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи”, 1939 йил Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи, 1944 йил Меҳнат Қизил Байроқ, 1968 йил Меҳнат Қаҳрамони каби бир неча орден ва медаллар билан мукофотланган[7.:10].

Моҳир педагог Оқилхон Шарофиддинов 1981 йил 31 мартда вафот этди ва унинг номини адабийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги 129-мактабга номи берилган эди[8.:694].

Совет мустамлакачилиги шароитида Оқилхон Шарофиддинов каби маҳаллий зиёлилар қийинчиликлар ва босимларга қарамай миллий замонавий таълим асосларини яратишга, гарчи совет мафкураси ҳамда ғояларини инкор этмаган ҳолда дарсликлар яратишган бўлсада, ўз даврининг муҳим касб этувчи воқелиги сифатида таърифлаш муболаға бўлмайди.

Оқилхон Шарофиддиновнинг таълим-тарбияга оид илмий меросини ўрганиш, таълим тизимини ривожлантириш, бошланғич таълимни ўқитиш усуллари яратиш ва шакллантиришдаги тутган родини тадқиқ қилиш бугунги кун тадқиқотчиларига катта маъсулият юклайди. Зеро Ўзбекистонда халқаро жаҳон стандартларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш, болаларни ўқи-тишда замонавий илмий асосланган дастурларини яратишда аввало педагогика тарихида катта из қолдирган зиёлиларимизни бой меросини ўрганиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

### Манбалар ва адабиётлар

1. Ўзбекистон ССР тарихи. Бир томлик. /Ғуломов. Я ва бошқ...Тошкент.: ФАН. 1958.
2. Ўзбекистон ССР тарихи. Бир томлик...
3. Ўзбек совет энциклопедияси. 12-том. Тошкент.:ЎСЭ. 1979.

4. Ўзбек совет энциклопедияси. 12-том...
  5. Ҳасан Зуннун. Отахон мураббий. Тошкент.:Ўрта ва олий мактаб. 1964.
  6. Ҳасан Зуннун. Отахон мураббий...
  7. Ҳасан Зуннун. Отахон мураббий...
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-том. Тошкент.:ЎМЭ. 2005.